

2-1-2019

ELECTRONIC COMMERCE THE BASIS COMPONENT OF VIRTUAL ECONOMY: ANALYSIS AND RECOMMENDATIONS

A. Usmanov
Tax academy

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Usmanov, A. (2019) "ELECTRONIC COMMERCE THE BASIS COMPONENT OF VIRTUAL ECONOMY: ANALYSIS AND RECOMMENDATIONS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 25.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/25>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

**Усманов А.И. – Солиқ академияси,
доцент, техн. ф. н.**

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ВИРТУАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ КОМПОНЕНТИ СИФАТИДА: ТАҲЛИЛ ВА ТАВСИЯЛАР

Мақолада мамлакатимизда электрон тижорат тизимининг ҳуқуқий асослари, унинг ривож топишидаги асосий омиллар сифатида ахборот-коммуникация технологияларининг роли ҳамда электрон тўлов тизимларининг жорий ҳолати таҳлил қилинади ва истиқболи учун тавсиялар берилади.

Таянч сўзлар: Электрон тижорат, электрон ҳужжат, ахборот-коммуникация технологиялари, электрон тўловлар, Интернет тармоғи, виртуал банк, интернет-банкнинг, мобиль-банкнинг, СМС-банкнинг, банк пластик карталари.

В статье рассмотрены вопросы развития в стране электронной коммерции и электронных платежных систем на фоне развития информационно-коммуникационных технологий.

Ключевые слова: Электронная коммерция, электронный документ, информационно-коммуникационные технологии, электронный платёж, сеть интернет, виртуальный банк, интернет-банкнинг, мобиль-банкнинг, СМС-банкнинг, банковские пластиковые карты.

The article discusses the development of e-commerce and e-commerce systems in the country against the backdrop of the development of information and communication technologies.

Keywords: E-commerce, electronic document, information and communication technologies, electronic payment, Internet, virtual bank, Internet banking, mobile banking, SMS banking, bank plastic cards.

Электрон тижорат асримиз иқтисодиётининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, бизнес субъектлари орасида иқтисодий ахборот алмашилини замонавий ахборот технологиялари асосида амалга оширишни таъминлайди. Унинг ривож топиши замонавий иқтисодиётни виртуал иқтисодиётга айлантормоқда, бунинг натижасида бизнес-коммуникацияларнинг самараси ошмоқда. Бутун жаҳон мутахассислари электрон тижоратнинг иқтисодиётда тутган ўрнининг тобора ўсиб бориши ва унинг келажакда муҳим соҳага айланишини башорат қилмоқдалар.

Бизнесга ахборот-коммуникация технологияларининг кириб келиши корхоналарнинг бевосита истеъмолчилар билан алоқаларида ўзига хос инкилобни вужудга келтирди. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация

технологияларини кенг қўллаш ҳамда «ахборотлашган жамият» сари жадал интилиш мақсадида амалий чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилгандир[1].

Кейинги йилларда Ўзбекистонда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун муайян чора-тадбирлар амалга оширилди. Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида ахборот-коммуникация технологиялари фаолият кўрсатишининг муҳим иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгилаб берувчи норматив ҳуқуқий база яратилди. Хусусан, замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бир қатор қонунлар қабул қилинди. Шу жумладан, электрон тижорат доирасида унинг иштирокчилари ўртасида юзага келадиган иқтисодий-молиявий муносабатларни самарали тартибга солиш учун ҳар томонлама такомиллашган меъёрий ҳуқуқий база яратилди. Буларга, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонун (11.12.2003й), “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонун (29.04.2004й), “Электрон тўловлар тўғрисидаги” Қонун (16.12.2005й) “Электрон тижорат тўғрисидаги” Қонун (22.05.2015й.), “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонун (20.08.2015й), “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонун (9.12.2015) ва бошқа меъёрий ҳужжатларни келтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонунининг биринчи варианты 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган эди. 2015 йил 22 майда “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуннинг аввалгисига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, йигирмата моддадан иборат янги таҳрири қабул қилинди[2].

Ушбу Қонунни амалга ошириш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда электрон тижоратни янада ривожлантириш мақсадида 2015 йил 8 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг 258-сон қарори имзоланди. Ушбу қарорда, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги электрон тижорат соҳасида махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Марказий банк, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат тизимини янада

ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилган.

Ушбу қарорнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида 2015 йил 4 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2016-2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 353-сон қарори[3] қабул қилинди. Ушбу концепцияда, хусусан, Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат бозорининг жорий ҳолати таҳлил қилинган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база шакллантирилмоқда, электрон тўлов тизими механизми ҳамма жойда жорий этилмоқда ва доимий равишда такомиллаштирилмоқда, тижорат банклари томонидан банк ҳисобрақамларини масофадан бошқариш хизматларининг кенг доираси тақдим этилмоқда, Республикада EMV стандартига ўтилган ҳолда Uzkart ягона банклараро тўлов тизими амал қилмоқда ва ривожланмоқда, 2001 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг товар-хом ашё биржаларидаги барча битимлар электрон тизимларда тузилмоқда, Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасининг махсус ахборот портали орқали электрон савдо йўли билан 2015 йил 1 июндан бошлаб товар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш электрон каталог орқали амалга оширилмоқда. Шунингдек, концепцияда 2016-2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгилаб берилган.

Электрон тижорат тизимларининг ривож топишида ахборот-коммуникация технологияларининг роли муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, тизимнинг техник ва дастурий таъминотлари унинг ривожига таъсир этувчи асосий омиллардан саналади. Хусусан, телекоммуникация тизимларининг сифати, тезлиги ва баҳоси электрон тижорат тизимларини жорий этишдаги асосий мезонлардан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимизда ушбу соҳанинг ривожини учун қулай шароитлар яратилляпти.

1-жадвалда 2015-2017 йиллардаги Ўзбекистон республикасида ахборот коммуникация технологиялари соҳасининг ривож топишидаги баъзи кўрсаткичларнинг динамикаси келтирилган.

I-жадвал

2015-2017 йиллардаги Ўзбекистон республикасида ахборот коммуникация технологиялари соҳасининг ривож топишида баъзи кўрсаткичларнинг динамикаси^[4]

Кўрсаткичлар	2015й.	2016й.	01.04.17й
Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони (минг)	10202	12100	14757
Халқаро тармоқларга кириш тезлиги (мбит/сек)	16460	26390	65734
Провайдерлар учун интернет хизматларининг тарифларининг нархи (АҚШ долларарида)	259,29	157,6	76,6
Оптик толали алоқа линияларининг умумий узунлиги (минг км.)	16,4	17,9	20,3

Ушбу жадвалдан кўришиб турибдики, Интернет тизимидан фойдаланувчилар сони 2017 йилнинг биринчи чорагига келиб, 14,757 миллионга етди. Яъни, 2015 йилдагига нисбатан деярли 44,64 фоизга ошди. Электрон тижоратнинг ривож топишидаги асосий омиллардан бири Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланиш тарифи (нархи) ҳисобланади. Жадвалдан кўришиб турибдики, бу кўрсаткич камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2015 йилдагига нисбатан 2017 йилда 3,38 мартаба камайган.

Интернет тармоғининг асосий кўрсаткичларидан яна бири унинг тезлигидир. Республикада бу кўрсаткич 2017 йилга келиб 65734 мбит/сек га етган бўлиб, 2015 йилдагига нисбатан тўрт баробарга ошди ва унинг ўсиш динамикаси аввалги йилларга нисбатан юқорилаб бормоқда. Ҳозирги вақтга келиб мамлакатимизда ахборот узатиш тармоқлари замонавий технологиялар асосида модернизация қилиб борилмоқда. Бунинг натижасида мавжуд тармоқлар оптик толали алоқа линиялари билан алмаштирилди. 2017 йилга келиб республикада оптик толали алоқа линияларининг умумий узунлиги 20,3 минг км.ни ташкил этди. Яъни бу кўрсаткич 2015 йилдагига нисбатан 23,8 фоизга ошди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда Интернет тармоғининг сифат кўрсаткичлари жадал ривожланишига қарамасдан, электрон тижорат тизимларидан фойдаланиш даражаси ҳали юқори эмас. Бунга қуйидаги сабабларни келтириш мумкин:

Биринчидан, Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг кўпчилиги ёшлар бўлиб, тўлов имкониятига эга бўлган аҳолининг кўпчилик қисмини катта ёшдагилар ташкил этади.

Иккинчидан, аҳолининг кўпчилик қисми умуман электрон тижорат тўғрисида тасаввурга эга эмас. Айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли Интернет тармоғининг имкониятларидан фойдаланишни билмайди.

Учинчидан, мамлакатимиздаги мавжуд электрон тижорат сайтлари тўлақонли тизим кўринишида ишламайди. Уларнинг кўпчилиги товарларни реклама қилишгагина хизмат қилади. Электрон тижорат тизим сифатида электрон дўконларни ташкил қилиш билан бирга, рекламадан ташқари битимларни тузиш, электрон рақамли имзодан фойдаланиш, электрон ҳужжат юритиш, электрон тўловни амалга ошириш, товарларни етказиб бериш каби имкониятларга эга бўлган платформаларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Виртуал банк тизими ва электрон тўлов воситалари электрон тижоратнинг муҳим ташкил этувчиларидан бири бўлиб, республикамиз банкларида бундай интерактив хизмат турлари тобора ривожланиб бормоқда. Ушбу хизматларни янада такомиллаштириш, уларнинг сифати ва қулайлигини ошириш, пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган электрон тўловлар ҳамда масофавий хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш бугунги долзарб масалалардан биридир. Масофавий банк хизмати орқали мижоз ўз ҳисоб рақамини замон ва маконга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ер куррасининг исталган жойидан ҳафтасига етти кун, кунига йигирма тўрт соат давомида бошқариш имконига эга бўлади.

Электрон тўловларнинг энг кўп тарқалган ва самарали фойдаланиб келинаётган тури - банк пластик карталари орқали хизмат кўрсатишдир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан 19,3 миллион атрофида банк карталари чиқарилган бўлиб, 2017 йилнинг ўн ойи ичида улар орқали 36,9 триллион сўмлик банк операциялари амалга оширилган. Шунингдек, банк карталари тўловларни амалга ошириш учун 2017 йилнинг охирига келиб 5,5 минг атрофида инфокиосклар (банкоматлар) ўрнатилган ва 235 мингдан ортиқ терминаллардан фойдаланилмоқда (манба: Ўзбекистон Республикаси марказий банки: WWW.CBU.UZ). Шунга қарамасдан, ҳозирги вақтда мавжуд инфокиоскларнинг сони етарли эмас. Аҳоли бундай хизматдан фойдаланишда қимматли вақтини йўқотиб навбат кутмоқда. Шунингдек, тўлов терминаллари ҳам барча савдо шаҳобчаларига ўрнатилган дея олмаймиз.

Ҳозирги вақтга келиб, банк офисида бажарилиши лозим бўлган операциялар масофадан туриб ҳам амалга оширилмоқда. Мижоз дақиқалик операция учун банк биносига бориб овора бўлишига ҳожат йўқ. Бу борада «Интернет-банкнинг» тизими мижозлар учун қатор янги қулайлик ва

имкониятларни яратди. Яъни, бу тизим ёрдамида банк ва миқоз ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар реал вақт режимида амалга оширилади, компьютер ёки мобил алоқа воситалари орқали тўлов ҳужжатлари банк ишловидан ўтишининг барча босқичларини кузатиш мумкин. Сўнги йилларда мамлакатимизда «Интернет-банкнинг» тизимидан фойдаланувчиларнинг сони ортиб бормоқда ва 2017 йилнинг охирига келиб бу кўрсаткич 219,5 тага етди. Яъни 2015 йилдагига нисбатан тахминан 3,5 баробар ўсган (манба: WWW.CBU.UZ).

Мобил телефонлардан фойдаланиш даражаси ривожланиб боргани туфайли, бошқа давлатлардан қолишмаган ҳолда, мамлакатимизда ҳам «СМС-банкнинг» ва «Мобил-банкнинг» хизматлари кенг йўлга қўйилди. 2015 йили бу тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони тахминан 472,5 мингтани ташкил этган бўлса, 2017 йилнинг охирига келиб бу кўрсаткич 4050 мингтага етиб тахминан 8,6 баробарга ошди (манба: WWW.CBU.UZ).

Масофавий тўлов тизимлари сифатида сўнги вақтларда аҳоли орасида тўловларни мобил иловалар орқали амалга ошириш оммавийлашиб бормоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда банк карталари эгаларининг 3,7 миллиондан ортиғи мобил иловалар орқали тўловларни амалга оширмоқда (манба: WWW.CBU.UZ).

Республикада кенг тарқалган тўлов тизимлари сифатида Click, Рауме, М-bank ва шунингдек, бир қатор тижорат банклари томонидан яратилган “Milliy”, “Hamkor mobile”, “Agrobank mobile”, “Asaka mobile”, каби мобил иловаларни келтириш мумкин.

Юқорида келтирилганларни таҳлил қилган ҳолда, мамлакатимизда электрон тижоратни ривожлантириш ва унинг имкониятларидан етарлича самарали фойдаланиш юзасидан қуйидаги тавсияларни таклиф қилишни лозим деб топдик:

- Электрон тижоратнинг асосий компоненталаридан бири, бу электрон маркетинг ҳисобланиб, уни жорий этиш натижасида бозорни таҳлил қилиш, Интернет тармоғида маркетинг ахборотларини жойлаштириш ва уларни бошқариш ҳамда товарлар ҳаракатини кузатиш имкониятлари яратилади.

- Интеграциялаштирилган савдо ва маркетинг платформаларини, интернет-магазинларни, янада такомиллаштирилган тўлов тизимларини, шунингдек электрон тижоратда логистика тизимини яратиш лозим.

- Электрон тижорат соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш, таҳлил қилиш ва қўллаш зарур.

- Электрон тижоратда рекламаларни жойлаштириш, электрон ҳужжатларни ёки электрон хабарларни оммавий жўнатиш тартибини такомиллаштириш.

- Электрон тижоратда давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар ўртасидаги электрон битимларни тузишда, электрон ҳужжатларнинг ягона шаклини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши лозим.

- Электрон тижорат соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва тадбиркорлик субъектлари ходимлари ва аҳоли малакасини ошириш ҳамда соҳа фаолиятини амалга ошириш тартиби ва механизмларини кенг тушунтириш бўйича жойларда семинарлар ва амалий ўқувлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

- Электрон тўлов тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида тўлов терминаллари ва инфокиосklar сонини янада кўпайтириш лозим.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистонда электрон тижорат тизимини ривожлантиришга қаратилган муайян чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ушбу соҳанинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгилаб берувчи норматив ҳуқуқий база яратилди, техник ва дастурий таъминоти, платформалари шакллантирилди, банк тизимидаги тўловлар электрон шаклда амалга ошириляпти.

Юқоридаги фикрларни инобатга олиб, ишонч билан айтиш мумкинки, электрон тижоратнинг ривож топиши мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишига хизмат қилади ҳамда унинг имкониятларидан кенг фойдаланиш аҳоли турмуш фаровонлиги ошишига олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. Ташкент шаҳри, 2003 йил 11 декабрь, ЎРҚ № 563-11 сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуни, Ташкент шаҳри, 2015 йил 22 май, ЎРҚ-385-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2016 - 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2015 йил 4 декабр, 353-сон қарори